Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 7 декабрь, пайшанба ◆ № 284 (13.844). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ИККИ МИНГ ПЕШҚАДАМ

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси коллективи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва улуғ доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, қувончли натижаларга эришмоқда. Фирманинг 2000 дан ортиқ ишчиси Совет ҳокимиятининг 50 йиллиқ юбилейи кунигача икки йиллик планни бажарди.

Ана шу пешқадамлар орасида Муқаддам Каримова ҳам бор. У камзул тикиш агрегатини муваффақият билан бошқармоқда. Ўз ишига ихлос қўйган Муқаддам смена топшириқларини 130 процентдан бажариб, шу кеча-кундузда келгуси йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти. У корхонанинг тажрибали ишчиларидан. Билганларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Беш йиллик бошланганидан буён 18 шогирд тайёрлади.

4-цех мотористка Валентина Борисова шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида меҳнат унумдорлигини 6,7 процент оширди. Ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқда. Унинг ҳам шогирдлари кўп. Ҳозир 1968 йилнинг август ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган Валентина Борисова кейинги икки йилда 20 шогирд тайёрлади, шогирдлари у билан ёнма-ён туриб баракали меҳнат қилишмоқда.

Ҳар куни корхона коллективи планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришяпти. Илторлар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳар бир ишчи беш йилликни барвақт адо этиш, доҳий туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан адо этяпти. Йиллик планни бажарганлар қаторига янгиянги фамилиялар қўшилмоқда.

ҚУРИЛИШЛАР ЧАЛА ҚОЛМАСИН

ПРАВДА

Юбилей йили охирлаб қолди. Улуғ Октябрга совет кишилари шу жумладан, биноқорлар ҳам меҳнат совғалари армуғон этдилар. Байрам арафасида Красноярск ГЭСининг жаҳонда энг йирик икки гидроагрегати ток бера бошлади, Братск ГЭСи доимий эксплуатацияга топширилди, Урта Осиё — Марказ газ қувурининг биринчи навбати қуриб битказилди, Усть-Балиқ — Омск магистраль нефть қувури ишга солинди. Кривой Рог металлургия заводида катта домна печи мисли кўрилмаган қисқа муддатларда қурилди. 2 миллион тоннадан ортиқроқ минерал ўғит тайёрлашга қудрати етадиган янги ускуналар фойдаланишга топширилди.

Биноқорлар КПСС XXIII съезднинг халқ фаровонлигини мутасил ошириш юзасидан қабул қилган қарорларини бажаришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Аҳоли эҳтиёжи учун товарлар тайёрлаётган корхоналарни қуриш ва реконструкция қилиш жадаллашди. Йигирув ва тикув, пойафзал ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қуввати ошди. Озиқ-овқат саноатида йирик корхоналар ишга тушди. Кўпгина шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида янги уй-жой кварталлари, мактаблар, маданият саройлари қад кўтарди, стадионлар қурилди. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 миллион квадрат метр кўп уй-жой қурилди.

Капитал қурилишнинг кўлами беқиёсдир. Эндиликда биноқорларимиз ўн кундагина бажараётган иш кўлами биринчи беш йилликда бир йилда бажарилган иш кўламига тенгдир. Халқ хўжалигимизнинг бу энг муҳим тармоғи муваффақиятлари гоят да улкан. Аммо ҳал қилинмаган масалалар ҳали кўп, ҳамма жойда ҳам иш яхши боряпти, деб бўлмайди.

Битай деб турган кўпгина объектларда қурилиш ишлари ёмон уюштирилган, ишчи кучи, ускуналар, материаллар, транспорт воситалари ва механизмлар етишмайди. Кўп вақт техникадан яхши фойдаланиламаётир. Аҳвол шундай бўлгач, иш яхши бўлмайди-да. Худди шу сабабдан Қозоғистонда қурилаётган Ермак ферро қотишма заводи қурилиши чўзилиб кетмоқда. Шунга ўхшаш камчиликлар Рязань областида қурилаётган Михайлов цемент заводи қурилишида ҳам содир бўляпти. Свердлов областидаги Карпин ипг йигирув фабрикаси, Пермь областидаги Чайковский шойи газламалар комбинати, Тюмендаги газлама комбинатида, Воронеж областидаги Борисоглебск гўшт комбинати қурилишларида, шунингдек, қурилиш министрликларининг ташкилотлари тиклаётган енгил ва озиқ-овқат саноатининг баъзи корхоналарида қурилиш ишларини уюштиришда талайгина камчиликлар бор.

Йилнинг охирги ойида 27 миллион тонна темир рудаси қазиб чиқаришга имкон берадиган, 2 миллион тонна пўлат олишга ва 2,7 миллион тонна прокат ишлаб чиқаришга имкон берадиган қувватлар ишга солиниши керак. Бугун-эрта машинасозлик, ёғоч ишлаш, целлюлоза-қоғоз, ўрмончилик, енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатининг янги корхоналари ишга туширилади. Уй-жой ва қишлоқ қурилиши бўйича йиллик планни муваффақиятли бажармоқ учун ҳали эўр бериб ишлаш керак.

Битай деб қолган объектларда ҳал қилувчи қурилар бошланди. Бу объектларнинг кўпчилиги фойдаланишга топширишга тайёр бўлиб қолди. Ҳозирги кунда энг муҳим нарса ҳар бир соатдан унумли фойдаланишдан иборат. Токи, ҳамма иш саранжом-сариштта бўлсин, йил охиригача мўлжалланган ҳамма ускуна ва цехлар беками-кўст ишга солинсин. Уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриб битказилсин. Кишилар меҳнатини пухта уюштиришга имкон берадиган тадбирлар мажмуасини бафуржа ўйлаб амалга ошириш керак. Техниканинг имкониятларидан тўлатўкис фойдаланиш лозим. Буюртмачи министрликлар битай деб қолган қурилишларни ускуналар билан тўлатўкис таъминласинлар. Эндиликда ҳар қачонгидан ҳам энг муҳим масала бор. У ҳам бўлса, ресурслардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишдир, ташкилотчилик ишларининг конкрет ва мақсадга мувофиқ бўлишидир, қурилишлардаги ишлар устидан назоратни кучайтириш кераклигидир. Шу кунларда қурилиш министрликлари битай деб қолган объектларда кам-кўстларга барҳам беришлари, агар зарур бўлса, қолоқ участкаларга мутахассислар ва техника билан ёрдам кўрсатишлари лозим.

Биноқорлар буюртмачи корхоналар коллективларидан катта ёрдам кутмоқдалар. Бу корхоналарда малакали слесарлар, электрчилар, механиклар ишлашяпти, худди шу ихтисосдаги ишчилар эса қурилиш майдонларида етишмайди. Агар бамаслаҳат иш тутиб, ишбилармон кишиларни монтаж ва созлаш ишларини тугаллашга жалб этилса, янги цехлар зудлик билан ишга солинган бўлур эди. Шундай қилинганида икки томонлама наф бўлади: монтаж ишлари жадаллашади, ишчилар янги техника билан чуқурроқ таниша дилар.

Партия XXIII съездида таъкидлаб ўтилгандек, қурилиш ташкилотлари ишкни планлаштириш ва баҳо беришда бош кўрсаткич аъло сифатли ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда бошқа объектларни жадаллик билан қуриб битказиш бўлмоғи керак. Бунга иқтисодий омиллардан тўлароқ фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин.

Кейинги даврда қурувчилар транспорт ходимларига кўпроқ даъво қиладиган бўлиб қолдилар. Темир йўл орқали олинадиган цемент, тахта, норуда материаллар ва бошқа материаллар кечикиб келмоқда.

Йўллар министрлиги бунга барҳам бермоғи, битай деб турган объектлар учун мўлжалланган юкларга «лишня йўл» очиб бермоғи лозим. Халқ контроли ташкилотлари қурилишларга юборилаётган юкларнинг вақтида етиб келишини қаттиқ назорат қилмоқлари даркор.

Йил тугашига жуда оз вақт қолди. Партия ташкилотлари қурилиш майдонларида оммавий-сиёсий ишларни яна ҳам қизнтиб юборишлари, бу ишлар марказий йиллик план ва мажбуриятлар бажарилаётган ерда бўлиши керак. Партия ва касаба союз ташкилотлари Октябрь олди вахтаси кунларида тўпланган қимматли тажрибага суяниб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришлари, мусоба қ а н и н г оммавий бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилишлари, қолоқ участкаларни кўтаришлари лозим. Ҳар бир ишчи, инженер ва техника йилининг охирги босқичида у бажараётган ишнинг катта аҳамиятини тушунтириш керак, маънавий ва моддий стимулларни биргаликда кўшиб олиб бориш айниқса муҳимдир, қурувчиларга яхши маиший шароит яратмоқ лозим. Партия комитетлари қурилишдаги аҳвол учун хўжалик ходимларининг масъулиятини оширишлари, уларга конкрет ёрдам бермоқлари керак.

Биноқорлар мусобақасини ривожлантириш борасида матбуотимиз, радио ва телевиденне катта роль ўйнамоғи лозим. Биринчи галда бу гап газеталарга тааллуқлидир. Уларнинг бурчи битай деб турган объектлардаги қурилиш ишларини мунтазам ёритиб боришдан, фойдаланилмаётган резерварни кўрсатиб беришдан, илғорлар тажрибасини ёйишдан иборат.

Юбилей йили топширилларини бажараётган биноқорлар беш йилликнинг учинчи йили ютуқлари учун ҳам замин яратадилар. Бу қурувчиларнинг янги ютуқлари гаровидир. Ҳамма диққат-эътиборни битай деб турган объектлар қурилишига қаратайлик.

1967 йил 4 декабрь.

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи коллективи мамлакат қишлоқ хўжалиги учун ҳар ойда 50 минг дона трактор двигателлари поршенлари ва бошқа хил деталлар етказиб бермоқда. Завод замонавий технология ускуналари, ярим автомат линиялар билан таъминланган. Чапдаги суратда: шу корхонанинг зарбдор қуювчиси Халил Набиев. У смена топшириқларини ҳамиша 135-140 процент бажармоқда. Ўнгдаги суратда: Бухоро пилламашлик фабрикасининг автоматчиси Угилой Умарова. Бу илғор ишчи пилламашларнинг юбилей йили зафарларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

В. Сиротнин фотолари.

Беш йилликни муддатидан олдин бажарамиз

БИЗНИНГ РЕЖАЛАР

Инсон қўли — гул, деганлари рост. Буни биз колхозимизнинг кўп йиллик тажрибасида, колхозчиларимизнинг астойдил меҳнати мисолида равшан кўриб келяпмиз. Пахтазорларимизнинг ўтмишини бир кўз олдимизга келтирайлик: Янги ўзлаштирилган йилларда бу далалар ортиқ даражада шўрланган ва захкаш эди. Бундай ерларда экин экиб, мўл ҳосил етиштириш жуда машаққат эканлиги ҳаммага маълум. Пахтакорларимиз бу қийинчиликларни енгиш учун барча резервларни ишга солишди. Партия ва ҳукумат томонидан бериб турилган бениҳоя катта ёрдамдан самарали фойдаланиб, ерникнг шўрини йўқотиш, захини қочириш учун йил сайин кўпроқ тадбирларни амалга оширишди.

Хўжалигимизнинг техника билан етарли қуроллангаилиги экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини тартибга келтиришда, тупроқнинг структурасини яхшилашда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги кунларда колхозимизда 11 та ҳайдов ва 13 та чопиқ трактори, 20 та сеялка, 13 та чизель, 120 та комплект борона, 24 та пахта териш машинаси, тўкилган пахтани териб оладиган 8 та агрегат ва бошқа машиналар мавжуд. Бу қудратли техника оғиримизни енгил, мушкулимизни осон қиляпти. Машиналарнинг қувватидан тўла фойдаланилаётганлиги сабабли колхозимизда ишчи кучининг камлиги сезилмаяпти.

Мана энди ерларимиздан нолишга ўрин ҳам қолмади. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, агротехника тадбирларини бир-бирига маҳкам боғлаб олиб бориш, прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш, фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ҳар бир қарич ерни эъзозлаш йўли билан пахта етиштиришни йилдан-йилга кўпайтирмоқдамиз. Беш йилликнинг дастлабки икки йилида ҳосилдорлик гектар бошига 6 центнер ошди. Давлатга планда кўзда тутилганидан қариб бир минг тонна кўп «оқ олтин» сотилди. Баҳорда ва ёз бошида юз берган табиий қийинчиликларга қарамай, бу йил айниқса катта хирмон кўтарилди. Бир минг гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 20 центнер ўрнига 26 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Она-Ватанга юбилей йилида пландан ташқари етказиб берилган маҳсулот 630 тоннадан ошиб кетди.

Айрим бригадаларимизда ҳосилдорлик яна ҳам кўтарилди. Тажрибали пахтакор Сиаш Кулчиков бошлиқ бригада 215 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан хирмон кўтарди. Бригадада ҳосилдорлик бир йилда гектарига 10 центнер ошди. Тураш Изганов, Фридрих Николаевский, Олим Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам пахтадан баракали ҳосил олдилар.

Ленин мукофоти лауреати, областимиздаги «Малик» совхозининг машҳур механизатори Жавод Кўчиев тажрибаси асосида чигитни кенг қаторлаб экиш ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бу йил 315 гектар майдонга чигит 90 х 20 сантиметр, 685 гектар ерга эса 60 х 45 сантиметр схемасига мувофиқ экилди. Бу усул колхозга уруғни кўплаб тежаб қолиш, экишни қиска вақт ичида ўтказиш ва оз меҳнат сарфлаш имконини берди. Хўжалигимиз кенг қаторлаб чигит экишдан ва уруғни қийғос ундириб олиш билан боғлиқ бўлган ишлардан, бу майдондаги экинни парвариш қилишдан 6100 сўмни тежаб қолди. Қатор оралари 90 сантиметр қилиб экилган карталардан энг юқори ҳосил — гектарига 28 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Бу тажрибани келгуси йилда янада кенгайтирамиз.

Шуни қувонч билан кайд қилиш керакки, теримда қўл меҳнати тобора камайтирилиб, машина терминнинг кўлами кенгайиб боряпти. 1961 йилда ялпи ҳосилнинг бор-йўғи 14 процента агрегатлар ёрдамида териб олинган бўлса, ўтган йили ҳамма пахтанинг 76,8 процента машиналар бункеридан тўкилди. Юбилей йилида механизациялашган теримда олга қараб янада улкан қадам ташланди. Механик-ҳайдовчиларимизнинг фидокороне меҳнати туфайли барча майдондаги ҳосилнинг 99,4 проценти машиналарда йиғиштириб олинди. Далаларимизда ишлаган 24 та машинанинг ҳар бири бункеридан ўртача 102 тоннадан пахта тўкилди. Тўкилган «оқ олтин» 8 та подборщик билан ўз вақтида йиғиштириб олинди. Пешқадам механизаторларимиздан И. И. Швайгард, И. П. Швайгард, И. А. Швайгард, Жамбурбой Қорақулов ўртоқлар ўз машиналари бункеридан 145—155 тоннадан «оқ олтин» тўкилишига эришишди. Биз теримни кенг кўламда механизациялаш йўли билан иқтисодий жиҳатдан катта манфаат кўрдик. Ҳосилни барвақт саранжом-сариштталаб олямпиз. Пахтамизнинг асосий қисми биринчи сортларга қабул қилинди.

Йиғим-терим ниҳоясига етай деб қолди. Сўнгги граммларни йиғиштириб олишни беш йиллкнинг учинчи йили мўл ҳосилига пухта замин яратиш, кузги-қишқи тадбирларни пухта малга ошириш билан боғлаб олиб бориш мақсадида дала ишларини конвейер усулда ташкил этдик. Ҳосилдан бўшаган карталар ғўзапояден тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Ҳозир далаларимизда 11 та ҳайдов трактори унумли ишлаб турипти. Ер ҳайдаш кечакундуз ўтказиляпти. «С-100» трактори билан тупроқ 35 сантиметр, «Д-54» трактори билан эса 30 сантиметр чуқурликда юмшатилаётир. Ерни шудгор қилиш билан бир вақтнинг ўзида гектарига ўртача 350—400 килограммдан суперфосфат солиб кетилмоқда. Ғўнг солинган майдонларга азотли ўғит сочилмаяпти. Чунки ғўнгда азот моддалари етарлидир. Шудгорлаш олдидан пайкаллар яхшилаб текисланяпти. Тракторчиларимиз бу ишларда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Энг яхши тракторчиларимиздан Андрей Гросс, Иван Ригель ва бошкалар кунига 6-7 гектардан ерни меъёрига етказиб юмшатишмоқда. Бу — колхозимизда шудгорлашни қиска вақт ичида тугаллаш имконияти борлигидан далолат беради. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ана шунга эришиш учун ҳамма чораларни кўради.

Олдимизда яна бир гоят муҳим ва фахрли вазифа турипти. У ҳам бўлса, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва улуғ доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигини меҳнатда янги зафарларга эришиш билан нишонлашдир. Бу ҳақда ҳар биримиз ўйлашимиз ва бу тарихий кунга ҳозирдан тайёргарлик кўра бошлашимиз лозим. Бунга жавоб бериш мумкин: янада тер тўкиб меҳнат киламиз, резервларимизни кўпроқ ишга солямиз. Программамиз конкрет ва аниқ. Келгуси йилда колхозимизда ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказиш, давлатга 3 минг тонна «оқ олтин» сотиш имконияти бор. Шу тариқа бундан кейинги йилларда ҳам асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштириш кўпайтириб борилади. 1970 йилда давлатга беш йиллик планда кўзда тутилганидан 2500 тонна кўп, яъни беш йилда қариб 6 йиллик планга тенг миқдорда дурдона сотилади. Маҳсулотнинг таннархи икки баравар камайтирилади.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам кескин ривожлантирилади. Деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш, колхозчиларнинг ташаббускорлигини ошириш ва бошқа йўллар билан ҳамма экинлардан мўлжалдагига нисбатан юқори ҳосил олишига эришилади, чорвачилик маҳсулотлари ҳам кўпайтирилади.

Хоразмликларнинг ватанпарварлик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган янги режаларимизга кўра, алмашлаб экиш схемаси йил сайин кенгайтириб борилади. Туриш муддати тугаган эски бедапоя кузакда бузилиб, келаси йил баҳорида чигит экиш учун тайёрлаб қўйилади. Шунгача беда илдизлари чириб улгиради ва тупроқда кўплаб гумус моддалари ҳосил қилади. Бундай ерларга ўғит солимаса ҳам бўлади. Келгуси йилда барча майдоннинг тенг ярмига чигит кенг қаторлаб экилади. 1969 йилда бу тадбир кўпроқ майдонда қўлланилади. Колок бригадаларни келгуси йилдаёқ илғорлар даражасига етказиш учун уларга амалий ёрдам кўрсатилади.

Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари изчил давом эттирилади. Шу ниятда ирригация шохобчалари кенгайтирилади, чуқурлаштирилади ва янгилари қурилади. Колхознинг трактор парки машиналар билан тўлдириб турилади ва улардан тўғри ҳам юксак унум билан фойдаланилади. Колхозчиларга маданий, маиший хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг барча совет халқига Мурожаатида ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда уни кўпайтириш учун янада ғайрат кўрсатиб ишлашга ҳамма меҳнаткашлар даъват этилгандир. Барча имкониятлар ва мавжуд резервлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланган конкрет тадбирларимиз ана шу Мурожаатда муносиб жавоб бўлади. Биз буни охиригача етказамиз, ҳоразмликларнинг ташаббусини тўла маъқуллаб олган юксак мажбуриятимизнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаймиз, меҳнатда янги зафарларга эришамиз.

У. АЛДИБОЕВ — Сирдарё область, Пахтаорол районидаги «Олғабос» колхозининг раиси Қ. ЖУМАХОНОВ — колхознинг бош агрономи. Ф. Я. ВОЛЬФ — бош инженер, Ж. ҚОРАҚУЛОВ, И. РИГЕЛЬ — механизаторлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ХЕЛСИНКИ, 5 декабрь, (ТАСС махсус мухбири). Бугун эрталаб СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Финляндия ҳукуматининг қабул маросимлари уйига келди. Бу ерда Финляндия республикасининг президенти У. К. Кекконенни миллий байрам — Финляндия мустақиллигининг 50 йиллиги билан қутлашга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Н. В. Подгорний қиска нутқ сўзлаб, дўст мамлакат бошлиғига табрикнома топшириди. Юрий Черновнинг «балиқчи» деган ҳайкали Финляндия президентига тортиқ қилинди.

Тантанали маросимда Н. В. Подгорнийнинг ҳамроҳлари, Финляндия бош министри Р. Паасио, Фин. ляндия ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлишди.

МУЗ САРОЙИДА БАЙРАМ

ХЕЛСИНКИ, 6 декабрь. (ТАСС). Финляндиянинг 50 йиллигига бағишланиб, «Яаяхалле» муз саройида ўтказилган нечаги байрам программаси ҳақли равишда умумхалқ юбилей тантанаси деб аталган эди. Саройга олти мингга яқин киши келди. Байрамда чет элдардан келган меҳмонлар ҳам ҳозир бўлди. СССР вакиллари — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва унинг ҳамроҳларига тўрдан жой ажратиб қўйилган эди.

Финляндия республикасининг президенти У. К. Кекконен доклад қилди. У, Финляндия босиб ўтган тарихий йўл тўғрисида гапирди, мамлакатнинг кейинги 50 йил ичидаги тараққиётига батафсил тўхталиб ўтди.

Финляндия ва Совет Иттифоқи халқлари ҳамда уларнинг раҳбарлари келажакнинг муштарак проблемаларини ечишга ишонч билан киришганликлари, деди жумладан У. К. Кекконен, тез натижалар берди. Миллий манфаатларга ва ўзаро ҳурматлашга асосланиб, ҳамда бир-биримизга ишониб, қилинаётган ҳамкорлик Европанинг илгари шу қадар тўлашили бўлган районида тинчлик ва хавфсизликни таъминлади.

ДЎСТЛИК САФАРИ

Миллий Панчаятнинг таклифига binoan СССР Олий Совети делегацияси жавоб визити билан 5 декабрда Москвадан Катмандуга учиб кетди. Делегацияга СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари З. Н. Нуриев бошчилик қилади.

Делегация состави СССР Олий Советининг депутатлари — Самарқанд область Даштаниболо участка касалхонасининг бош врачи М. А. Абдуллаева, Белоруссия Компартияси Витебск область комитетининг биринчи секретари А. Н. Аксенов, Пермь политехника институтининг ректори М. Н. Дедюкин, Абхазия АССР Очамчир районидаги Махарадзе номли колхоз раиси У. Б. Кучуберия ва РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Г. Писин ўртоқлардан иборат. (ТАСС).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1967 йил 6 декабрга бўлга

МАЪЛУМОТ

ОБЛАСТЛАР	(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Тошкент	83,2
Хоразм	61,8
Фарғона	51,5
Бухоро	50,0
Сирдарё	43,8
Самарқанд	36,0
Қашқадарё	34,5
ҚҚ АССР	26,6
Андижон	24,7
Сурхондарё	23,9
Республика бўйича	42,9

ЭЛЛАДА ДЕМОКРАТЛАРИГА ЭРКИНЛИК БЕРИЛСИН

6 декабрда Ўзбекистон пойтахтида Эллада ватанпарварлари билан бирдамликка бағишланган умумшаҳар митинги бўлди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар грек демократларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова митингни оча туриб, Грециядаги ҳукм сураётган даҳшатли террордан Тошкент жамоатчилиги гоят таъсирланаётганлиги ҳақида гапирди. Р. Н. Бобожонова бу мамлакатдаги полициячи маъмурлар ўз ваҳшиёна ҳаракатлари билан гитлерчи каллакесарларни эслатаётганликларини таъкидлади ўтди.

Митинг қатнашчилари Манолис Глезос, Микис Теодоракис ва уларнинг ўртоқлари тақдири учун ташвиш тортаётганликларини айтдилар.

— Биз, Тошкент меҳнаткашлари,— деди электрон техникаси заводининг ишчиси Муқаддам Ғозиева. — ҳарбийлар Грециянинг энг яхши ўғил ва қизларидан қаттиқ ўч олаётганлигидан даргазаб бўлмоқдамиз. Грек ватанпарварлари таъқиб қилинаётганлиги тўғрисида газеталарда босилган хабарларни ўқиган ҳар бир софдил киши беларво қараб тура олмайди. Эллада халқи ўз курашида ёлғиз эмас. Грек ватанпарварлари, биз сизлар билан ҳамдаммиз. Фашистлар сизнинг мардлигингиз ва қаҳрамонлигингдан енга олмайди.

Профессор Х. М. Бойматовмедов Ўзбекистон пойтахти олимлари номидан гапириб, бундай деди: ҳозирги грек маъмурлари ўз сиёсий мухолифларини жисмоний жиҳатдан жазолар эканлар, бу уларнинг кучлилигини эмас, балки заифлигини кўрсатиб турибди. Уларнинг бу хатти-ҳаракати СССРдаги ва жаҳондаги барча халқларни даргазаб қилмоқда.

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг олиб. ди Ниязфар Ғиёсова Тошкент ёш. лари номидан сўзлаб, Грециядаги бе. бошларни қаттиқ қоралади.

— Халқимизнинг барча йигит ва қизлари, — деди у, — бутун дунёдаги прогрессив кишиларнинг грек халқи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган талабини қўллаб-қувватлайди.

Композитор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Б. Левиев ва политехника институтининг доценти Э. Я. Димополос ўз нутқларида Греция ҳукуматига Совет Иттифоқи ҳукумати ўйлаган баённи батамом қўллаб-қувватлаётганлиларини ҳаҳ этдилар. Греция халқи олиб бораётган олижаноб курашда унинг тезроқ галабага эришишини тиладилар.

Митинг қатнашчилари Греция ҳукуматига мурожаат қабул қилдилар. Улар бу мурожаатда ватанпарварларни ваҳшиёна таъқиб қилишнинг тўхтатилишини, қадимий Эллада демократия нормаларинг тикланишини талаб қиладилар.

Митинг қатнашчиларига «Микис Теодоракис Тошкентда» ва «Манолис Глезос» кино фильмлари кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ГЎШТ ТОПШИРИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми тарихий қарорларини тўрмушга тадбиқ эта бориб, Ўзбекистон чорвадорлари гўшт тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Давлатга 150 минг тоннадан знёдроқ (тирик вазнда) гўшт сотилди.

Юбилей йилнда гўшт тайёрлаш планини Сирдарё, Хоразм, Андижон, Тошкент, Сурхондарё ва Бухоро областлари республикада биринчи бўлиб бажардилар.

Молларни бўрдоқига боқиш ва яйратиб боқиш ҳисобига семиртириш юзасидан «Узглавзаготскототкорм» хўжаликлари планни муддатидан илгари адо этдилар. Улар давлатга 13,2 минг тоннадан ортиқроқ гўшт етказиб бердилар.

Давлатга гўшт топшириш давом этмоқда.

Кўпгина хўжаликлар планларини муддатидан илгари бажариб, 1968 йил биринчи кварталда топшириш учун молларни семиртирмоқдалар.

СОВЕТ СУДИ 50 ЁШДА

СОВЕТ СУДИ— ОДИЛ СУД

С. ПУЛАТХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий суднинг раиси.

Афсонавий «Аврора» крейсери тўпларининг садоси бундан 50 йил муқаддам бутун жаҳонга ингсонят тарихида янги давр — Совет ҳокимияти даври бошланганлигидан хабар берди.

Халқ ҳокимиятини қўлда сақлаб қолиш керак эди. Бунинг учун эса янги давлат аппарати, армия, суд, янги революцион қонунчилик талаб қилинди. Бинобарин, буларнинг ҳаммаси вужудга келтирилди. 1917 йилнинг 24 ноябрида (7 декабрь) В. И. Ленининг имзоси билан суд тўғрисида декрет эълон қилинди. Бу декрет совет суди тузилганлигини маълум қилди. Чор Россияси ва унинг мустамлака чеккаларидаги занглаб кетган суд машинаси парчалаб ташланди. Ўрта Осиёнинг революциягача бўлган ўрта асрчилик судлари қолиб кетди. Ана шу судлар тўғрисида «Туркистон ведомостлари» газетаси 1910 йилда шундай деб ёзган эди:

«Айрим беклиқларда ўлим жазоси маросими аввалгидек бозор куплари ўтказилади. Жиноятчини майдонга олиб келадилар ва жаллод пичоқчаси билан уни бўғизлаганидан сўнг, тайёрлаб қўйилган кўчма дорга осилади. Гражданлик ишларини қараб чиқиш кўпинча даъволашнига сабабчи бўлган бойимни ҳазина фойдасига ошлдан ва ҳар икки томонни судьяларни безота қилгани учун жарима тўлатишдан иборат бўлади. Жарима тўлашга қудрати етмаса унинг оиласи, хотини ва болалари сотилади, қарздорнинг ўзи эса жаримани тўлагунига қадар кредитор ёки судьяга мулк сифатида топширилади».

Туркистонда олий судлов мусулмон шариат ва одат қоидаларига кўра ишларни қараб чиқувчи қозилар томонидан амалга оширилар эди. Қозилар даъвогар томонлардан тегишли ҳақ олар, бунинг устига уларнинг қарори кўпинча олинган ҳақнинг миқдори билан белгиланар эди.

Қозилар билан бир қаторда чор ҳукуматининг судлари иш юритар эди. Бу судлар фақат Европа миллатига мансуб шахслардан тайинланиб, улар аёвсизлик билан нотинчлик сиёсатини ўтказар эдилар. Озодлик ҳаракатига қарши шафқатсиз қураш олиб бориш, камбағалларни эзиш, порахўрлик ва ноҳақ йиғимлар олиш — чор Туркистони судларини характерловчи белгилар ана шулардан иборат эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Туркистоннинг мазлум халқларини мустамлака қуллигидан, бойларнинг эксплуатациясидан озод қилди. Тарихда биринчи марта судьялар курсисига ишчилар ва деҳқонлар ўтиришди. Улар ишчиларни бир ҳовуч эксплуататорларнинг манфаатларини кўзлаб эмас, балки меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаб кўриб чиқадиган ва ҳал қиладиган бўлдилар.

Совет судларига ўзининг вужудга келган дастлабки кунлариданоқ революция душманларига қарши, қуролли босқинчилик ва фитналар, террорчи ва зараркунандачи шахсларга қарши, чет эл империалистларининг мададига таяниб ёш Совет ҳокимиятини йўқ қилиб ташлашга уринган шахсларга карши аёвсиз кураш олиб боришга тўғри келди. Шу билан бирга меҳнаткаш аҳолининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, социалистик ҳуқуқ тартиботини янги революцион қонунчиликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб бормоқ керак эди.

Бу вазифаларнинг ҳаммасини амалга ошириш катта қийинчиликларга дуч келди. Кишилик тарихи ҳалигача мутлақо билмаган янги типдаги судларни вужудга келтиришга, янги ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишга, ҳеч қандай махсус тайёргарлиги бўлмаган, кўпинча кечаги деярли саводсиз ишчилар ва деҳқонлардан янги юрист кадрлар тайёрлашга тўғри келди.

Ўзбекистонда бу қийинчиликлар яна шунинг учун ҳам оғирлашдики, то 1928 йилгача халқ судлари билан биргаликда, гарчи чекланган доирада бўлса ҳам, қозиларнинг шариат судлари иш юритаверди. В. И. Ленининг партия VIII съездида сўзлаган нутқини эса олсак бунинг сабабини тушуниб олиш мумкин. Владимир Ильич шундай деган эди: Ҳалигача ўз муллаларининг таъсири остида бўлган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар каби халқларга нисбатан биз нима ҳам қила олар эдик? Биз бу халқларнинг ҳузурига бориб: «Биз сизларнинг эксплуататорларингизни улоқтириб ташлаймиз» деб айта оламиз-кимиз? Биз бундай қила олмаймиз, чунки улар бус-бутун ўз муллаларига итоат қилишади. Бу ўринда ҳар бир миллатнинг ривож топиши, пролетариатнинг буржуа элементлардан табақаланиб чиқиши фурсатини кутишимиз керак. Дастлабки вақтда аҳолининг диндор қисми орасида обрў қозонган шариат судларини тугатишда Совет ҳокимияти ана шундай чидам билан ва обдон ўйлаб сиёсат ўтказди. Аҳолининг ўзи хоҳлаган жойларда сайлаб қўйилган қозилар сақлаб қолинди.

Аҳолининг қозиларга жуда камдан-кам мурожаат қилиши шунга олиб келдики, 1928 йилда шариат судлари бирин-кетин тугай бошлади.

Совет Ўзбекистони судларининг тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан бири 1926—1928 йиллар ўртасида ўтган даврда хотин-қизлар озодлиги учун қураш билан боғлиқдир.

Оммаларнинг онглилиги тез ўсаборди ва бу, чунончи, аҳолининг одил судловни амалга оширишда тобора кенг миқёсда қатнашувида ўз ифодасини топди. Масалан, 1925 — 1926 йилларда Ўзбекистон судларининг фаолиятида 16 мингга яқин маслаҳатчи қатнашган бўлса, 1929 — 1930 йилларда улар 31 минг кишига етди, шулардан ярми ишчилар, 30 процента эса деҳқонлар эди. Маслаҳатчиларнинг 78 проценти маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлди. Уша кезларда кечагина тамомила ҳуқуқсиз бўлган хотин-қизлар маслаҳатчиларнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этди. Чунончи, Ўзбекистонда В. И. Ленининг РКП(б) VII съездида берган қуйидаги кўрсатмалари турмушга тадбиқ этилди: «Бизларнинг ўзимиз суд қилишимиз керак. Гражданлар судда ва мамлакатни идора қилишда ёппасига қатнашмоқлари зарур. Шу сабабли биз учун давлатни идора қилишга барча меҳнаткашларни ёппасига жалб этиш муҳимдир».

Совет Ўзбекистонининг чинакам халқ судлари ўзининг ташкил топган бутун даврида коммунистик қурилишни амалга ошириш учун курашнинг биринчи сафларида бормоқдалар.

Ўзбекистон судлари мамлакатни индустриалаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида қулоқлар ва реакцион руҳонийларнинг қаршилигини бостириш, Совет давлатининг иқтисодий негизи — социалистик мулкни мустаҳкамлаш борасида катта роль ўйнадилар. Намунали суд мажлисларида қишлоқ актив хотин-қизлари ҳаётига тажовуз қилган муртодларнинг иши муҳокама қилинди. Террор, саботаж ва талон-торож қилиш йўли билан колхозларни ердан чиқаришга уринган қулоқлар, мамлакатни индустриалаштиришга ҳалақит беришга интилган зараркунандачилар шафқатсизлик билан жазоланди.

Ўзбекистон ССР суд органларининг ходимлари Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ўзларининг бутун куч-ғайратларини «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» шиорини амалга оширишга сарфладилар. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида нобудгарчиликка қарши, давлат интизомини бузувчиларга, мутаҳамларга, олиб-сотарларга, фашист босқинчиларга қарши курашда совет халқига ҳалал етказган ваҳима тарқатувчиларга қарши қатъий кураш олиб бордилар.

Ўзбекистон судлари урушдан кейинги вақтда ва КПСС XX съездидан кейинги йилларда катта ва самарали ишлар олиб боришди. Социалистик қонунчиликни қатъиян мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг гражданларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини салгина бўлса ҳам бузишларни бартараф этишга, ҳуқуқ тартиботларини бузишга қарши кураш форма ва методларини яхшилашга қарата чиқарган энг муҳим қарорлари амалга оширилди. Одил судловни амалга оширишнинг ленинча принциплари тўла-тўкис турмушга татбиқ этилмоқда.

В. И. Ленин социалистик қонунчилик тўғрисидаги таълимотнинг ижодчисидир. Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қозонганидан кейин орадан бир йил ўтиши биланоқ Советлар съезди махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда социалистик қонунчилик Совет мамлакати бутун ҳаётининг асосий принципларидан бири деб эълон қилинди. Бу қарорнинг тезисларини Владимир Ильичнинг ўзи шахсан ёзган эди. Ленин социалистик қонунчиликнинг моҳияти совет қонунларининг бенистисо барча давлат органлари, муассасалари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва гражданлар томонидан қатъий ва виждонан ижро этилишини талаб қилишдан иборат деб белгилади.

Кўпгина ажойиб кишиларимиз ўзларининг бутун куч-ғайратларини совет одил судининг ленинча принципларини мустаҳкамлашга сарфладилар. Совет Ўзбекистони судларининг тарихи ана шу кишиларнинг номи билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ. Эрист Мартинович Удрис, Усмон Абдураҳмонов, Зокир Саидов, Фёдор Никифорович Желтиков, Василий Михайлович Благов ва бошқа кўпгина кишилар ана шулар жумласидандир. Революциянинг ўтмишда оддий ишчи ва деҳқон бўлган бу мард солдатлари партиянинг йўлланмаси билан судларга келишди ва энг қийин йилларда ҳамиша социалистик қонунчилик принципларини фидокорона ҳимоя қилишди.

Ажойиб юрист ва олима Ҳадича Сулаймонованинг фаолияти Ўзбекистон судьялари учун ленинча иш услубининг тимсоли бўлиб қолади. Академик, юридик фанлар доктори, профессор Сулаймонова республика олий суди раиси лавозимида совет судьяларининг қонун бузувчиларга муросасизлик, кишиларга меҳрибон ва эҳтиёткор, бутун фаолиятида чинакам юксак маданиятли бўлиш сингари энг яхши фазилатларини ўзида намоён қилди.

Революцияга қадар бўлган судларнинг энг яхши революцион анъаналари совет судлари фаолиятида ҳозирги вақтда ҳам яшамоқда ҳамда ривожланмоқда. СССР Олий Совети Президиуми юстиция органларининг энг яхши ходимларини орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисида яқинда Фармон чиқарганлиги уларнинг давлат олдиндаги катта хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди. Орден ва медаллар билан мукофотланганлар орасида Ўзбекистон ССР халқ судьяларидан Бўрихон Пўлатова, Марҳамат Қосимова, Қодирниёз Абдуқодиров, Дадаш Эрматов, Ли Дюн-бон, Евгений Иванович Додуев, Амина Икромова ва бошқалар бор.

Совет судини ҳақли равишда чинакам халқ суди деб аташади. Мамлакатимизнинг суд органлари энг демократик йўл билан сайланади ва сайловчилар меҳнаткашлар депутатлари Советлари олдида ҳисобдорлирлар. Одил судловни амалга ошириш вақтида суд мажлисига раислик қилувчи судья билан бир қаторда ҳамиша икки халқ маслаҳатчиси қатнашади. Барча жиноий ишлар ва гражданлик ишларини қараб чиқиш вақтида улар раислик қилувчи билан ҳуқуқлардан баб-баравар фойдаланадилар, ҳукм ва ажримларни чиқаришда у билан баробар қатнашадилар.

Совет судининг бутун фаолияти ҳокимиятни ўз қўлига олган меҳнаткаш халқнинг иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига жавоб беради.

Ижтимоий иллатларга, ҳаётимизнинг хира томонларига қарши кураш олиб бормоқ керак бўлган суд органларининг ходимлари совет еримизда зиё, ақл-идрок ва бахт-саодатнинг қарор топишига актив равишда ёрдам бермоқдалар. Социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилишга асосланган адолат ва инсонпарварлик—уларнинг асосий қуроли.

СССРДА ОДИЛ СУДЛОВ ҚОНУНГА БАТАМОМ МУВОФИҚ РАВИШДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. У ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРГА ҚУРИЛГАН: СУДЬЯЛАР ВА ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ САЙЛАБ ҚЎЙИЛИШИ ВА ҲИСОБ БЕРИБ ТУРИШИ, УЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ЧАҚИРИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИ, СУД ИШЛАРИНИНГ ОШКОРА ОЛИБ БОРИЛИШИ, СУДЛАРДА ЖАМОАТ АЙБЛОВЧИЛАРИ ВА ҲИМОЯЧИЛАРНИНГ ИШТИРОҚ ЭТИШИГА АСОСЛАНАДИ, БУНДА СУД, ТЕРГОВ ВА СУРИШТИРИШ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНЧИЛИККА ВА БАРЧА ПРОЦЕССУАЛ НОРМАЛАРГА ҚАТТИҚ РИОЯ ҚИЛАДИЛАР. ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ РИВОЖЛАНИБ ВА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАДИ.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасидан).

ЖОНКУЯР

Обрўй миқдол билан йиғилади, дейдилар. Ҳа, у катта меҳнат, ўз касбига бўлган садоқат, коллектив аъзоларига, умуман барча кишиларга кўрсатилган меҳр-муҳаббат эвазига қўлга киритилади. Марҳамат Қосимова ўз касбдошлари орасида, райондаги барча меҳнаткашлар орасида обрў-эътибор қозонган аёллардан. Уни тоғ суд залида ҳар бир иши чуқур мушоҳада қилаётган ҳолда, тоғ эса ўз қонасида турли масалаларда, маслаҳат учун келган кишилар билан эски қадрдондек суҳбатлашиб турганда, баъзан эса райондаги корхоналарда, завод ва фабрикаларда жаҳондаги энг демократик совет тузуми, совет қонунчилиги тўғрисида қизиқарли суҳбат ва лекциялар ўтказаётганда учратасиз. Мен бу аёлни кўпдан бери танийман. Ўз касбининг соҳиби, тажрибали судьянинг маҳоратига ҳавас қиламиз, ўрганамиз.

Судьянинг фаолияти кўлқиралидир. У социалистик қонунчиликни, совет гражданларининг ҳақ-ҳуқуқларини кўз қорачиғидай сақлаш билан бирга, жиноятнинг олдини олиш, меҳнаткашларни юксак онглилик руҳида тарбиялашдек умумхалқ ишида тинмай меҳнат қилиш керак. М. Қосимова ўз фаолиятида ана шу талабларга қатъий риоя қилади. Шу боисдан ҳам у олиб борган суд процесларнинг аксарияти катта тарбиявий аҳамият касб этади. У суд қарорининг ҳаққоний бўлиши учун, совет қонунларининг моҳиятини чуқур тушунтириш учун тинмай курашади. Бу ишда халқ маслаҳатчилари, корхона коллективларининг, кенг жамоатчиликнинг ёрдамидан, фикр ва мулоҳазаларидан оқилона фойдаланади. Мана шуларнинг ҳаммаси суд процесси маданиятини, судьянинг халқ ўртасидаги ҳурматини оширишга хизмат қилади.

Судьяга жуда катта масъулият юклатилган. У кишилар тақдирининг тарозибонидир. Ҳар бир иш кўрилганда, ҳукм чиқариш учун йиғилишганда киши тақдири устида ўйлаб, қирқ ўлчаб бир кесишга тўғри келади.

— Йўқ, — деди судья тассуфи билан бизнинг фикримизга эътироз билдириб, — баъзан минг ўйлаб, бир кесишга тўғри келади.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ суди коллективи ўз сайловчилари билан қундалик алоқани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бера бошлади. Бунда судьяларнинг ўз сайловчилари олдида тез-тез ҳисоб бериб туришни уюштириш, корхоналарда, ўқув муассасаларида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш, суд ишларини жойларга бориб кўриш каби формалардан кенг фойдаланилмоқда. Улар жуда яхши натижа бермоқда. Айниқса, жиноятнинг олдини олиш, қонун бузиш ҳолларига йўл қўймаслик, бунинг учун зарур бўлган чораларни ўз вақтида қўллашга юқоридаги тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Судья М. Қосимова сўнгги уч ой ичида райондаги ўнлаб муассасалар завод ва ўқув юртларида бўлиб, ўз фаолияти ҳақида, суд ишининг бориши тўғрисида сайловчиларга ҳисоб берди, турли темаларда суҳбат ва лекциялар ўтказди. «Жамоатчилик бойлигини сақлаш ва уни кўпайтириш ҳар бир совет кишисининг бурчи», «Безори коллектив учун доғ», «Поклик, маънавий гўзаллик, камтарлик — юксак фазилат» каби темаларда ўқилган лекциялар, айниқса кўпчиликни қизиқтирмоқда. Бундай лекция ва суҳбатлар райондаги 1-пахта заводи, 13-гуруч заводи, шунингдек бир неча маҳаллаларда бўлиб ўтди.

Судья ўз тажрибасини ёш ҳамкасабаларига, халқ маслаҳатчиларига, ўртоқлик суди раисларига бажонидил ўргатишни ўзининг юксак бурчи деб биладилар. Шунинг учун ҳам у халқ маслаҳатчилари билан турли масалаларда суҳбатлашиш, ўртоқлик судлари бўлган жойларга тез-тез бориб уларнинг ишига бевосита ёрдам бериш учун ҳамиша вақт топади. Яқинда унинг қўксига Меҳнат Қизил Байроқ ордени тақилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Биз Марҳамат опага янги муваффақиятлар тилаймиз.

Я. МОРДУХАЕВ,
Тошкент область, Калинин район халқ суднинг маслаҳатчиси.

Суратда: Марҳамат Қосимова. И. Глауберзон фотоси.

УТМИШДАН ПАРЧА

БАХТСИЗ МУҲАББАТ

Фармонқул қишлоққа ярим кечада келди. Тўйхонада гулхан ловулларди. Қиз-жувонлар паранжи-чачвон тирқишидан гулхан атрофидаги масқарабозларни кузатишарди. Домла, эшон, қозикалонлар ичкари уйда ўзлари билан овора эди. Фармонқул Меҳрини изларди. У биқирлаб қайнаб турган дош қозон ёнидаги ҳужрага бош суққан ҳам эди, кимдир орқа пешидан тортди:

— Ичкарига кирманг.— Унинг қаршисига Меҳри эркан кийимида турарди.

— Қани кетдик, — пичирлади у.

Исёнкор икки қалб, шохма-шох, далама-дала кетарди. Лекин улар наерга боришни, нима қилишларини билишмасди. Узоқдан дарё шарпаси эшитилди. Ойдин кечада Зарафшон сутдай кўпириб, қирғоқдан-қирғоққа урилиб оқарди.

... Тўйхонада совуқ хабар оғиздан-оғизга кўчди. Тўрт томонга чопар юборилди. Кимсан Райимбойнинг бўлажак келини ғойиб бўлганмиш. Тонг паллада отга ўнгарилган Меҳри ярим жон ҳолида уйига тутиб келтирилди. Аёвсиз калтакланган Фармонқулни қишлоқда кўп тутмадилар. У амир қонунига шак келтиргани учун Бухорога олиб кетилиб, зиндонга ташланди.

Ҳазрат ота фарзанд доғида қолди. Бунинг устига Қози домла ўз чоранорини ҳалойиқ олдида суд қилди. Маълумки, Бухоро амирида суд ишлари диний характерда бўлиб, қозининг ҳукуқи жуда катта эди. У бир хилдаги жиноят учун бой ва амалдорларга фақат жарима солар, намбағални эса ўлимга ҳукм қилар эди. У маҳалда севишганлар қаттиқ жазога тортилар, халойиқ олдида калтакланарди. Меҳри билан Фармонқулнинг ҳам муҳаббати поймол қилинди. Қози уларнинг устидан уйрбод бир-бирларини кўрмасликларини қайд қилувчи ҳукм чиқарди.

... Меҳри Фармонқулнинг соф муҳаббати учун уни қутарди. Бироқ Бухородан хабар келмади. Узоқ муддатдан кейин Фармонқул Ари олдида қатл қилингани ҳақида расмий хабар олинди. Ғам-қайғудан юраги эзилган Меҳри умрбод турмушга чиқмасдан, Фармонқулнинг хотирасини эъзозлаб ўтишга аҳд қилди. Бу воқеадан хабар топган Қози қизининг ота-онасини судга чақиради. Уларнинг андишасизликда, қизи Меҳрини эрга чиқармай сақлаб ўтиргандликда айблаб ҳукм чиқаради. Қозининг фармойишида жумладан шундай дейилган эди: «Йқин муҳлат ичида Меҳри Ниёз қизи эрга чиқарилмаса, унинг отаонаси Кармана туманидин қувғин қилинадур». Бу воқеадан кейин Меҳрининг отаси уни қаттиқ калтаклайди. Етти кун молхонага қамаб қўяди. Охири қизининг онаси уни Ғиждувондаги қариндошларникига қочириб юборади. Бундан хабар топган жиноий ишлар полициясининг ҳамоқча олади. Орадан бир неча ой ўтгач, бу иш судга оширилади. Қози калон-уламолар фатвоси билан хотиннни тартибга чақирмагани учун Меҳрининг отасини умрбод зиндонда сақлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Онасига катта жарима солишади.

Кўриниб турибдики, Бухоро амирининг ҳукмдорлари меҳнаткаш намбағалларни ҳар қандай оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилган. Бундай адолатсизликни ўз кўзи билан кўрган буюк мутафаккир олим Аҳмад Дониш ҳақсизлик ва ҳуқуқсизликни шундай таъриф қилган эди:

«...Бу ҳукмдорлар, ҳозирги вақтда уларни «амир жаноб олийлари» ва «вазир жаноблари» деб атаймиз, улар қайвон сингари, ҳатто ундан ҳам жирканчлироқдирлар... соат сайин уларнинг йиқилишлари муқаррар эканлиги кўриниб турибди. Уларнинг амру-фармонларига ҳеч ким итоат этмаслиги керак, бундай кишн исёнчи деб ҳисобланмайди. Чунки амирлик адолат билан қарама-қаршидир». («Бухоро шариф маҳзит амирларининг тарихи» китобидан).

Дарвоқе, амир зиндонда Фармонулга ўхшаш юзлаб ва минглаб бахти хўрланган, соф муҳаббати оёқ остн қилинган оддий йигитлар зулм-истибдодга қарши юзма-юз бордилар. Улар қалб амри билан тенглик учун, ҳақиқат учун нурашадилар.

1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тузуми емирилиб, Регистон устида Октябрь байроғи ҳилпираганда, Фармонқул Ғиждувонда эди. У севгилиси Меҳрини бетоб ҳолда кўради. Меҳри Фармонқулнинг ҳаётлигига иноммай, ўзини Фармонқулнинг қучоғига отиб, шу заҳоти жон беради.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Ёшим олтмиштан ошди. Инқилобдан илгариги расм-русмлар ҳам кўз ўнгимда. Тошкентнинг биз яшайдиган Кўча даҳасида Иброҳимбек қози шариат йўлини тутарди. У кишининг этга, ни-этган, деганн-деган эди: чиқарган ҳукмини, тўғрими-нотўғрими ҳеч ким ўзгартиролмасди. Шундан, озмунча бегуноҳ заҳматкаш жарима тўламаган, аваҳтага ташланмаган! Ахир, ҳар қандай ақлли киши ҳам вақти келиб янглишади, хато қилади. Шундай бўлгач у ёни бу ишни маслаҳат билан ҳал этилса тўғрироқ бўлади. У маҳалда бировнинг гапига қулоқ солиш қаёқда, дейсиз. Алал хусус гап нажотсиз бева-бечоранинг устида борадиган бўлса...

Кенгашли тўй тарқамас, дейди халқимиз. Бу кунги адолатли судьяларимиз қонунлар кенг халқ оммасининг иродасини ифодаласа ҳам халқ маслаҳатчиларисиз иш кўришмайди. Шундан, чиқарилган ҳукмлар гуноҳкорнинг қилмишига яраша бўлади.

Мен бу халқпарварликни ўн йилдирки ўз кўзим билан кўриб келмоқдаман. Узим Чинни идишлар заводида оддий ишчиман. Вақти-вақти билан Октябрь район халқ судида бир ойча халқ маслаҳатчиси бўлиб қатнашаман. Узингиз кўргансиз ўртаҳ судья, икки чекнада, икки халқ маслаҳатчиси ўтиради. Халқ маслаҳатчиларн судья билан бир қаторда қора курсида ўтирганга савол бериш, унинг оқ ёки қоралигини билиш, ўз ишончнродаси билан ҳукмга баҳо бериш, судьянинг фикрини ойдинлаштириш мумкин. Ҳа, у халқ вакили унинг гапи халқ гапи, шунинг учун ҳам судья маслаҳатчиларнинг сўзига қулоқ солади.

Халқ ишончини оқлаш, янглишган, хатога, жиноятга йўл қўйган шахсларнинг қилмишига яраша жазоланишига эришиш бизнинг бурчимиздир. Совет суд тузилиши ҳам, халқ орасидан чиққан, халқ сайлаган халқ судьяси ҳам шуни талаб қилади. Бу — фақат бизнинг одил замондагина бўлиши мумкин.

Совет судининг мақсади, аввалгамбор, адашганни тарбиялаш, тўғри йўлга солишдир. Биз, халқ маслаҳатчилари ҳар бир суд жараёнида, ташкилий-оммавий ишлар вақтида шунга интилишни, шунга ҳаракатни кўрамиз, ҳис этамиз. Аслида бизнинг суд мажлисида қатнашиб, насиҳатлар қилишимиз ҳам шуни кўрсатмайдими! Жойларга бориб суд мажлисларини ўтказишимиз, қонунчилиқ тўғрисида суҳбатлар қилишимиз шундан эмасми.

Мен халқчил, одил совет судининг 50 ёши нуҳида жамоатчилар номидан қонунимиз посбонларини чин кўнгилдан қутлаймаи.

Усмон МАЪРУФОВ,
халқ маслаҳатчиси.

Тошкентнинг биқинида «Қорақамиш» массиви қад кўтармоқда. Бу ерда кўплаб кўркам ва ҳамма қулайликларга эга бўлган уй-жой бинолари қурилмоқда. Суратда: массивда тикланган уй-жой бинолариннинг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.



МАСЛАҲАТЧИ

Суд зали. Халқ судьяси К. Сатторова раислигида мажлис бориши. Судья ёнида икки халқ маслаҳатчиси, секретарь ўтирибди. Айбнома ўқиб эшиттирилгач, судья айбдордан сўроқ бошлайди.

—Гражданин Расул Ризаев, ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?

—Ҳа, қилган айбларимга иқрорман.

Судья халқ маслаҳатчиларига қарайди ва «сизларда қандай саволлар бор» деб улардан сўрайди. Халқ маслаҳатчиси Маърифат Камолова судьяга «мумкинми» ишораси билан айбдор курсисида бўйнини эгиб ўтирган Расул Ризаеага савол беради.

—Бундан илгари суд жавобгарлигига тортилганмисиз?

—Йўқ. Биринчи марта.

Халқ маслаҳатчиси айбдорнинг оилавий аҳволи, колхозлаги, ўз бригадасидаги меҳнат фаолиятига доир яна бирнеча саволлар беради. Судланувчининг айби кимадан иборат эканлиги билан батафсил танишади. Шу тариқа суд мажлисига иштирок этган прокурор ҳам, адвокатлар вакили ҳам ўз фикрини билдирди. Расул Ризаев қилган жиноятига тўла иқрор бўлди. У охирги сўзида ўзига қўлланадиган жазо — чоранн енгиллаштиришни суд ҳайъатидан ўтиниб илтимос қилди. Судья халқ маслаҳатчилари билан келишиб, биринчи марта айбдорлар курсисида ўтирган Расул Ризаев устидан адолатли ҳукм чиқарди. Унга 200 сўм жарима солинди. Залдагилар айбланувчи устидан чиқарилган ҳукмни якдиллик билан маъқуллаладилар.

Самарқанд район халқ судьяси айбланувчилар устидан ҳамиша ана шундай адолатли ҳукм чиқарали. Чунки суд мажлисида кўрилган ҳар бир жиноят ва гражданлик ишлари аввало пухта ўрганилади, суд жараёнида, халқ маслаҳатчиларн актив иштирок этиши билан иш кўрилади. Халқ судида шу йилнинг ўтган учинчи квартали бўйича кўрилган жиноий ва гражданлик ишлари устидан чиқарилган ҳукмнн деярли ҳаммаси область суд коллегияси томонидан маъқулланган.

Халқ судьяси атрофига меҳнаткашлар вакилларидан 75 халқ маслаҳатчиси ўюшган. Вузар орасида Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг кутубхона мудираси Маърифат Камолова суд мажлисларига, айниқса актив қатнашади. У халқ маслаҳатчилари советига раҳбарлик қилади. Халқ маслаҳатчиларнинг вақти-вақтида йиғилишларини ва семинарларнн ўтказади. Уларнинг суд мажлисларига қатнашиши устидан назорат қилади. Халқ судига тушган ариза ва шикоятларни текшириш ҳамда ҳал қилишда актив ёрдам беради.

Актив жамоатчи коммунист Маърифат Камолова ўзи яшаётган қишлоқ аҳолиси орасида совет қонунчилиги, суд тузилишини кенг пропаганда қилмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказаётир.

Энг йирик сабзавоткор «Москва» колхозида унинг ташаббуси билан ўртоқлик суди намунали иш олиб бораяпти.

Маърифат Камолова Каттақўрғонарик қишлоқ Советнинг депутати, колхоз коммунистлари ўртасида ташкилотчилиги, оммавий ва жамоат ишларида актив қатнашиш билан катта обрў қозонган аёл. У бригада партия ташкилотининг секретари. Шу билан бирга меҳрибон она ҳам.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ю. ЮНУСОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг Самарқанд областидаги ўз мухбири Юсуф **Юнусовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. С. АБРАМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Техника фанини ривожлантиришдаги ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Тошкент политехника институтининг кафедра мудири Николай Сергеевич **Абрамовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Д. И. ЭГАМҚУЛОВГА ВА А. И. КРАЙСГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд область сув хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари, Каттақўрғон сув омборини қуришда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун Самарқанд область суғориш системалари бошқармаси Пайариқ район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Даврон Эгамқулович **Эгамқуловга** ва «Самарқандстрой» трести Самарқанд қурилиш-монтаж бошқармасининг старший прораби Андрей Иванович **Крайсга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. АХАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗАТОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ер қазиш машиналарини ўзлаштиришда актив қатнашганлиги ва Каттақўрғон сув омбори қурилишида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун «Самарқандводстрой» трести Каттақўрғон қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти Нурум **Ахатовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик механизатори» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. Ш. ШАМСУТДИНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар самарали илмий-педагогик ва инженер-ишлаб чиқариш фаолияти учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика институтининг старший илмий ходими Тагир Шамсутдинович **Шамсутдиновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. ҲАМРОЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд областининг суғ хўжалик объектларини қуришда актив қатнашганлиги, Каттақўрғон сув омборини қуришда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун «Самарқандводстрой» трести Каттақўрғон қурилиш-монтаж бошқармасининг прораби Сулр **Ҳамроевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. К. СОНИНАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ хўжалигида кўп йиллар самарали ишлагаплиги учун ҳамда ўсимликларни касалликлардан ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан химия йўлидаги хизматларини таъдирлаб СССР қишлоқ хўжалиги министрлигининг ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси хуузидаги биология лабораторияси сектори мудири Антонина Константиновна **Сонинага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 3 декабрь.
Тошкент шаҳри.



Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи Қўқон суперфосфат заводининг улкан ютуқларида марказий химия лабораторияси ходимларининг ҳам хиссалари катта. Суратда: ана шу лабораториянинг илғор ходими Х. Сиддиқова иш устида.

В. Сироткин фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

✦ УРУҒ ЧУҚУР ЭКИЛДИ

Ўзбекистоннинг ғалла кони бўлган Самарқанд области далаларида тракторларнинг шовқини тинди. Колхоз ва совхозлар кузги экин экишни тугалладилар. Қариб 282 минг гектар чуқур қайдалган майдонга уруғ экилди.

Ўзбекистонда ҳозирдаёқ 846,5 минг гектар майдонга кузги экинлар экилди. Бу эса республикада кузги экинлар экиладиган бутун майдоннинг 90 процентдан кўпроғини ташкил этади. Тошкент областининг хўжаликлари сўнгги гектар майдонга экин экмоқдалар.

✦ МАРРА БЕЛГИЛАНДИ

Андижон областининг колхозларида қурилиш бўйича пайчи колхозлар вакилларининг бу ерда учинчи съезди бўлиб ўтди. Хўжаликларнинг вакиллари «Облколхозстрой» трестининг коллективи билан биргаликда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақада марраларни белгилаб олдилар. Қурилиш-монтаж ишларининг беш йиллик планини 1970 йил 7 ноябргача бажаришга қарор қилинди. Қишлоқ меҳнаткашлари 400 минг квадрат метрдан кўпроқ обод уй-жойларга, кўплаб клуб ва кинотеатрларга, типовой дала шийпонлари ва мактабларга эга бўладилар.

Қишлоқ қурилишида йирик блоклар ва замонавий материалларни қўлланишга катта эътибор берилди. Икки қатламли панеллардан ҳар йили 600 та уй қуриш кўзда тутилади.

✦ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент областидаги ихтисослашган хўжаликлар давлатга картошка сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. 32,6 минг тонна картошка топширилди. Бу эса ўтган йилдагидан қариб 19 минг тонна кўпдир.

Чорвадорлар ҳам йиллик топшириқни муваффақиятли бажардилар. Пойтахт областининг колхоз ва совхозлари давлатга 19,4 минг тоннадан кўпроқ гўшт сотдилар.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг куни кеча босмадан чиққан навбатдаги сонида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида қилган доклади ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг «Совет халқига, Совет социалистик Республикалари Иттифоқининг барча меҳнаткашларига» Мурожаати эълон қилинган.

«Совғамиз сенга, севикли Ватан» деган умумий сарлавҳа остида партия ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторлари, ва хўжалик раҳбарларининг редакция мухбирларига берган интервьюлари босилган.

«Шу кунинг темасида» бўлимида «Партия конференциялари» сарлавҳали редакцион мақола, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи парткомининг секретари Э. Валиевнинг «Янгиликлар, хулосалар, сабоқлар» сарлавҳали мақоласи берилган.

Журналнинг «Октябрь кишилар тақвимида», «Юбилей репортажи», «Пропагандистларнинг сиртқи мактаби» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

Икки ҳикоя

I. МЕҲНАТИ ЭВАЗИГА ҚАМЧИ...

Янгиариқлик деҳқон Саидризо Воисов хусусий мулкчилик ҳукм сурган эски тузумнинг азоб-уқубатини бошидан кечирган одамлардан бири. Унинг ҳаётида юз берган бир мудҳиш воқеа мисолида камбағалнинг ўтмишдаги аянчли тақдирини яққол тасаввур қилишимиз мумкин.

Саидризо ерсиз, мулксиз камбағал эди. Остонабува деган жойдаги экин майдонлари, кўллар ва қўриқ ерлар хон амалдорларига қарашли бўлган. Саидризо катта меҳнат билан бир парча қўриқни очиб унга шолғом экади. Бу хабарни эшитган хон юзбошини юбориб Саидризони чақиртирди. Хон амалдорлари мулки ҳисобланган қўриқ ерга рухсатсиз экин экилганлиги учун Саидризони юз қамчи уришга ҳукм қиладилар. Мавжуд қондага мувофиқ калтакланган айбдор ҳукмни ижро қилган амалдорга ўн тилла «кунда боғи» тўлаши лозим эди.

— Хонога, арзимни тингланг: агар менда ўн тилла бўлганда ўша қўриққа шолғом экмаган бўлардим, — дейди Саидризо. Хон камбағалнинг арзидодига қулоқ солмай, уни зиндонга ташлайди. 1920 йилнинг февралидаги Хоразм инқилоби туфайли Саидризо зиндондан озодликка чиқди.

Ер очгани ва уруғ сочгани учун деҳқоннинг калтакланганлиги ўтмишда меҳнаткашнинг қисмати нақадар аянчли бўлганлигини кўрсатади. Совет тузуми меҳнатни ва меҳнат аҳлини улуғлади, қадр-қимматга сазовор этди. Меҳнат бизда шон-шараф иши эканлиги Конституциямизда олтин ҳарфлар билан битилган.

II. ЗЕВАРХОН ФОЖИАСИ

Қизлар ҳароб бўлди хоннинг қўлидан.
Маҳрам чиқар гўзалларнинг йўлидан.
На Зевархон, на Гулсанам кутилди.
Зор йиғлашиб золим зулмидан.

Исфандиёрхон зулми ҳақида шундай қўшиқ тўқилганлиги бежиз эмас эди. Қонхўр хон юз гулидан бир гули очилмаган неча-неча қизларнинг орзу умидларини поймол этиб, ёш умрини хазон қилганлиги тарихий фактлардан маълум. Гурланлик Матчонбек ва унинг қизи Зевархон фожиаси сўзимизнинг далили бўлади.

Исфандиёр гурланлик Матчонбек ҳузурига Худойназар пашшобни совчи қилиб юборади ва унинг қизи Зевархонни хотинликка олмоқчи бўлади. «Хонга берадиган қизим йўқ. Зевархон унинг ўз қизи билан тенг. Хон ҳазратлари адолатсизлик ва виждонсизлик қилмасинлар» дейди Матчонбек.

Дарғазаб бўлган хон Матчонбекни зиндонга ташлайди. Маҳфий буйруқ бериб, уни зиндон айвонида ваҳшиёна қатл қилдиради ва зиндонда чуқур қазидириб Матчонбекнинг жасадини кўмдиради.

Хон маҳрами Зевархонни мажбуран саройга келтиради. Номусига тажовуз қилмоқчи бўлганда Зевархон Исфандиёрнинг бармоқларини ғажиб ярадор қилади. Уни лаънатлайди. Кўзи қонга тўлган хон ўзига итоат этмаган қизни қайноқ сувга ташлаб ўлдиради.

Хоннинг истиқлоди ҳукм сурган, қиз-жувонлар камситилган ва таҳқирланган замонда бундай фожиалар тез-тез юз бериб турарди. Фақат инқилобдан кейингина ўзбек хотин-қизлари озодлик қуёшидан баҳраманд бўлдилар.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЗЛАНИШДА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

Менга: «Сизнингча қандай амалий тадбирлар асосида бошланғич партия ташкилотлари ишини юқори поғонага кўтариш мумкин?» деб савол беришди. Бунга дабдурустдан, буйдай қилинса тўғри бўлади, деб жавоб қайтариш қийин, албатта. Чунки партия иши кўп қиррали бўлиб, уни юксак талаблар асосига қуриш, коммунистларни унинг атрофига мустаҳкам жипслаштириш, кишилар қалбига йўл топа билиш учун кўп йиллик тажрибаларга суянган ҳолда изланиш, ишдаги ҳар бир янгиликни ўз вақтида сеза билиш, коммунистларни оммаининг авангарди сифатида тарбиялай билмоқ зарур.

Шу ўринда бригадамиз партия ташкилотининг иш фаолияти ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Партия ташкилоти атрофига 16 та ишчан коммунист уюшган. Улардан 6 киши хотин-қизлар. Коммунистларнинг ҳаммаси ҳам обрўли, ишлаб чиқаришда, меҳнатда барчага ўрнак бўлиб келаётган кишилар. Партия ташкилоти ўз ишини қандай ташкил этди? Бригада пахта планининг бажарилишига қандай таъсир кўрсатди?

Биз колхоз партия комитети томонидан тасдиқланган аниқ иш планига эгамиз. Бригада аъзолари ўртасида сиёсий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни кенг йўлга қўйиш, ёш коммунистлар ҳамда комсомоллар билан ишлаш сингари бригада иш фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган ишларнинг ҳаммаси ана шу иш плани асосида амалга оширилади. Қилинган ишлар тўғрисида ой охирида парткомга ҳисоб бериб турамиз.

Юбилей йили ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш, тўрт миллион тонналик улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшишда бригада меҳнат аҳли ҳалол тер тўкди. Улар коммунистлар етакчилигида катта довоя ошдилар. Баҳордаги сув тошқини, қатқалоқ, мурғак ғўзалар парваришида, хуллас барча қийинчиликлар ортда қолди. 146 гектар пахта майдонидан пландаги 296 тонна ўрнига 377 тоннадан зиёд пахта ҳосили кўтардик. Умумий ҳосилнинг 60 процентидан ортиғи «эҳтиёт кема»ларда теріб олинди. Коммунист Аҳмаджон Аҳмадалиевнинг бир ўзи «пўлат этак»дан 100 тонна пахта тўкди. Ленин орденли чевар теримчи Очилдихон Усмонова 12 тонна кумуш тола теріб, барчага ибрат бўлди.

Партия ташкилотининг ҳосилда турган ҳамма коммунистда партия топшириғи бор. КПСС аъзоси Умрихон Раҳмоновага меҳнатда, интизомда ўрнак бўлган ишларини партия сафига тайёрлаш вазифаси топширилган эди. Умрихон опа партия топшириғига виждонан муносабатда бўлди. Бригаданинг илғор ёшларидан уч кишига партия Устави ҳамда Программаси билан таниниб чиқишда ёрдам берди. Уларга коммунист деган номнинг нақадар улуғлигини, уни ҳамиша пок сақлаш кераклигини, меҳнатда, коллектив ўртасида, юриш-туришда доимо намуна бўлиш зарурлигини тушунтирди. Коммунистларнинг яқинда бўлган йиғилишида бригада аъзолари А. Мамадалиев, С. Тўхтасинова, М. Набиевалар яқдиллик билан партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ўтган уч йил мобайнида бригада партия ташкилоти сон ва сифат жиҳатидан ўсди, мустаҳкамланди, унинг бригада аъзолари ўртасидаги обрўси ошди. Агар 1964 йили партия ташкилоти ҳисобида етти коммунист турган бўлса, улар сафига яна 9 киши қўшилди. Шуни назарда тутиб, партия аъзоларининг сони етарли бўлгани учун аввал бизнинг ҳисобимизда бўлиб келган еттинчи бригадада ҳам бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Партия ташкилотининг ҳамиша диққат марказида бўлиб келган масалалардан бири — бригада аъзоларининг маълумоти масаласидир. Бригадада 56 нафар колхозчи бор. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964) Пленумига қадар уларнинг қўпчилиги бошланғич ва тўлиқсиз маълумотга эга эди. Пленумдан сўнг коммунистлар, район халқ маорифи бўлими билан маслаҳатлашиб, қишлоқда кечки мактаб очишга эришдилар. Унга бригаданинг 30 дан ортиқ аъзоси кириб ўқиди. Улар шу йил баҳорда ўрта маълумотли бўлиб чиқдилар. Шундай қилиб, бригаданинг 48 аъзоси ўрта маълумотлидир.

Районимизда коммунистик меҳнат ҳаракати кенг қулоч ёйган. Бригада коллективи ана шу ҳаракатга қўшилиб ишлаб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳамда маданий турмушда эришган ютуқлари учун коммунистик меҳнат бригадаси деган ном олишга эришди. Бригада аъзоларидан 26 киши коммунистик меҳнат зарбдоридир. Уларнинг 16 таси коммунистлар. Биз иш маданияти, турмуш фаровонлиги учун ҳамиша кураш олиб борямиз. Дала шийпонларимиз колхозчиларнинг ҳақиқий хордиқ чиқариш жойига айлантирилган. Бригада аъзолари ўз кичкинтойларини ёзда шу ерда ташкил этиладиган мавсумий яслиларда тарбиялайдилар. Қисқаси, кишиларнинг унумли меҳнат қилиши, намунали хордиқ чиқариши учун ҳамма шароит мавжуд. Хўжаликларнинг ҳаммаси газлаштирилган, ҳамма хонадонда телевизор бор.

Энди менга берилган саволга партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш учун нималар қилиш зарур, деган саволга ўз тажрибам асосида бошланғич партия ташкилотлари қоғозда тузилган план билан чегараланиб қолмай, балки ишлаб чиқаришга яқинроқ туриши, кўпроқ омма ўртасида иш олиб бориши, уларнинг истаклари билан ҳисоблашиши керак, изланиши керак, деб жавоб бера оламан. Биз юқорида айтиб ўтган тадбирларни амалга оширишда, озми-кўпми ютуққа эришишда худди ана шу йўлдан бордик. Бизнинг бу ишимизда колхоз партия комитетининг аъзолари, унинг секретари Ю. Усмонов шахсан яқиндан ёрдам бериб турди.

Ҳозир бригада аъзолари келаси йил ҳосили учун пахта тайёргарлик кўряптилар. Ҳосилдан бўшаган майдонлар сифатли шудгор қилинмоқда. Бригада партия ташкилоти, унинг атрофига уюшган меҳнатсевар коммунистлар майдонларни келаси йил ҳосили учун сифатли тайёрлашни ўз қўлларига олганлар. Биз партия кўрсатмаларига амал қила бориб, омма ўртасида коммунистларнинг авангардлигини оширавeрамиз, партия ташкилоти ишини янада юқори поғонага кўтариш учун барча тадбирларни кўрамиз.

И. МАМАЖОНОВ,
Бўз районидаги К. Маркс номли колхоз 12-бригада партия ташкилотининг секретари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР енгил саноат ва пахта тозалаш саноатига лойиҳалар тузиб бериш топшириқларини муваффақиятли бажарганлиги, Наманганда қурилаётган кастюмбоп ва шойи газламалар комбинатининг ва Андижон трикотаж фабрикасининг лойиҳаларида оригинал конструкцияларни қўлланишда ташаббус кўрсатганлиги учун Пахта ва янги луб экинларига бошланғич ишлов берувчи корхоналарни лойиҳалаш давлат институти — ГПИ-4 ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Совет милициясининг 50 йиллиги муносабати билан, жамоат тартибини сақлашда ва жиноятчиликка қарши курашда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Қуриташ-тозалаш цехлари негизида Малин ва Киров пахта заводларини (хўжалик усули билан) қуришда актив қатнашганликлари учун Сирдарё областидаги пахта тозалаш саноати ишчилари ва инженер-техник ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Матбуотда кўп йиллар самарали ишлаганликлари учун ҳамда «Ленин йўли» ва «Ленинский путь» Самарқанд область газеталарининг 50 йиллиги муносабати билан «Ленин йўли» ва «Ленинский путь» газеталарининг ходимлари, босмахона ходимлари, ишчи ва қишлоқ мухбирларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Фарғона областининг сохибкорлари давлатга анор сотиш йиллик планини ошириб бажардилар. Кабул пунктига ҳаммаси бўлиб 521 тонна анор сотилди. Бу плакдагидан 61 тонна кўпдир.

Анордан айниқса Қува районидаги «Социализм», «Коммунизм» Карл Маркс номли, Киров номли колхозларнинг сохибкорлари юқори ҳосил олдилар.

Т. МАҲМУДОВ.

СПОРТ янгиликлари

Халқаро турнирда

Испаниянинг Мальорка оролида шахмат бўйича халқаро турнир бўлиб ўтмоқда. Бу мусобақаларда совет гроссмейстерларидан жаҳоннинг экс чемпионлари — М. Ботвинник ва В. Смисловлар ҳам қатнашмоқда.

Ҳозиргача шахмат ўйинларининг олти тури бўлиб ўтди. Бир кечиктирилган партия билан даниялик гроссмейстер, яқиндагина Сусда бўлиб ўтган мусобақаларнинг голиби Ларсен олдинда бормоқда. У 5,5 очкога эга. Иккинчи ўринда борaётган югославиялик гроссмейстер Ивков беш имкониятдан 4 очкога эга. Гарчи турнирга кечикиб етиб келган бўлса-да, М. Ботвинник тўрт очко олишга эришди. В. Смисловлар эса 3,5 очкога эга.

Футбол уфқларида

Россия Федерациясининг ёшлар терма командаси футболчилари Суданда тўрт ўйин ўтказдилар. Умумий ўйинлар натижаси 7:1 ҳисоби билан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Якуновчи ўйинда улар Судан терма командасини 1:0 натижа билан мағлубиятга учратишди. Тўпни рақиблар дарвозасига Челябинскининг «Локомотив» командаси футболчиси Тихонов киритди.

Европа чемпионлари Кубогини икки марта қўлга киритган Португалиянинг «Бенфика» клуби футболчилари ўз майдонларида Франция чемпионлари «Сент-Этьенн» командаси спортчилари дарвозасига жавобсиз тўп киритган эдилар. Улар рақиблар майдонида 1:0 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Лекин тўплар нисбатининг ошиқлиги учун чорак финалга чиқишдилар. Бундан ташқари яна беш команда мусобақаларнинг учинчи этапига чиқиб олдилар. Улар: «Гурник» (Польша), «Айнтрахт» (Ғарбий Германия), «Манчестер Юнайтед» (Англия), «Вашаш» (Венгрия).

СОҒЛИҚ ШАҲАРЧАСИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Навоий шаҳри яқинида шифобахш сув манбаи топилди. Мутахассисларнинг аниқлашича кўра бу сув таркиби жиҳатидан Мацеста, Чортоқдаги шифобахш сувлардан қолишмайди. Бу сув билан бугин оғриқ, юрак ва турли хил терн касалликлари ҳамда асаб касалликларига мубтало бўлган кишиларни даволаш мумкин.

Навоий шаҳар жамоатчилигининг ташаббуси билан бу ерда Соғлиқ шаҳарчаси қуриш кўзда тутилмоқда.

Кейинги йилларда пойтахтимиз Тошкентда жуда катта студентлар шаҳарчаси бунёд этилди.

И. Глауберзон фотоси.

Планетамизда

ПОКИСТОНДА СОВЕТ ВИСТАВКАЛАРИ

ДАККА. (ТАСС). Карочида «Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги» деган виставка очилди. В. И. Ленининг революциядаги ва жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини барпо этишдаги ролига бағишланган фотостендлар кўп томошабинларнинг эътиборини жалб этмоқда.

Покистоннинг пойтахти Равалпиндида совет балетига бағишланган виставка очилди. СССРнинг Покистондаги элчиси М. В. Дегтярь виставкани очиб, бундай деди: виставкаларни айирбошлаш, бир-биримизга маданият вакиллари делегацияларини юбориб туриш Совет Иттифоқи билан Покистон халқларини яқинлаштиришга ёрдам беради, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Ушбу суратларда ҳиндистонликлар акс эттирилган.

Самуил Жан фотолари.

ХАТАРЛИ ЙЎЛГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). «Ташвишланаётган демократлар» ташкилотининг раҳнамоси А. Лоуенстэн Америка империализмининг ҳозирги сиёсий йўли «ҳалокатга олиб боради», деди. У «Эн-би-си» телевидение компаниясининг программасига мувофиқ нутқ сўзлаб, қуйидагиларни таъкидлади: АҚШ Вьетнамдаги уруш ҳаракатларининг кучайтирилишига барҳам бериши. Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатиши ва пировардида ўз қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши керак. Лоуенстэн сенатор Ю. Маккарти ҳам шундай позицияда турганлигини айтди ва демократик партиядан АҚШ президенти лавозимига кўрсатилган Ю. Маккарти номзодини менинг «ташвишланаётган демократлар» ташкилотим қўллаб-қувватлайди, деди.

БОНН ГЕНЕРАЛИ НАТОДА АСОСИЙ ПОЗИЦИЯНИ ЭГАЛЛАДИ

БОНН. ТАСС мухбири В. Серов хабар беради: бундесвер генерали Юрген Беннеке Европанинг марказий зонасида НАТО бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони қилиб тайинланди. НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони генерал Лемнитцер шу тўғрида расмий хабар берди. Шундай қилиб, Бонн вакили НАТО қўмондонлигидаги асосий лавозимларнинг бирини яна эгаллайди. Беннекедан олдин Бундесвер генерали Фон Кильманзег шу лавозимда ишлаб келган эди.

Беннеке Бонн мудофаа министрлиги томонидан шу лавозимга кўрсатилган иккинчи номзоддир. Ундан олдин генерал Шнец номзоди кўрсатилган эди. Аммо бу номзод Голландияда қаттиқ норозилик туғдирди. Шнец нацистлар оккупацияси вақтида Голландияда ҳарбий жиноятлар қилган эди. Шу сабабли Шнец бу лавозимдан воз кечишга мажбур бўлди.

Боннинг НАТО қўмондонлигидаги янги вакили ҳам гитлерчилар Вермахтида узоқ вақт хизмат қилган кишидир. Беннеке Рейхсвердаёқ ҳарбий ишни бошлаб юборган профессионал офицердир. 1933 йилда нацистлар ҳокимият тепасига келиши билан у лейтенант унвонини олди. Ўша пайтдан бўён унинг ҳарбий мансаб ва мартабаси тез кўтарила борди. Беннеке уруш вақтида кўп фронтларда, шу жумладан шарқий фронтда бўлди. Урушнинг охирида «митте» қўшинлар группаси штаби бошлиғининг ўринбосари лавозимини эгаллади.

Беннеке гитлерчилар Вермахтнинг Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш ва бундесверни вужудга келтиришда энг бошданоқ актив қатнашган офицерларидан биридир.

Ғарбий Германиянинг «Дие вельт» газетаси Беннекени «Брюсселдаги ўз кишимиз» деб атаб, унинг бу вазифага тайинланишидан мамнун эканлигини очиқ изҳор қилади.

КОНГОГА ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Шарқий Конгода (Киншаса) оқ танли сотқинлар томонида туриб жанг қилган собиқ катангалик жандармлардан 900 киши Конгога қайтиб келди. Конго матбуот агентлиги шу тўғрида хабар берди.

Букаву ёнида оқ танли сотқинлар билан бирга тор мор қилинганларидан кейин бу жандармлар қўшни Руанда давлати территориясига қочган эдилар. Улар бу ерда қуролсизлантирилиб, махсус Шангуту лагерига жойлаштирилди. Кейинчалик президент Мобутунинг декретига мувофиқ, уларга амнистия берилди ва улар нинг ўз ватанларига қайтиб келишларига рухсат этилди.

ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР УЧУН

Совет Ўзбекистони ўзининг гўзал диёр эканлиги билан, саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг барча соҳалари гуллаб-яшнаётганлиги билан, энг муҳими меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Ҳар йили республикамизга чет мамлакатлардан минглаб туристлар—инженерлар, врачлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, журналистлар, ёзувчилар ва бошқа касб эгалари келиб кетмоқда. Улар республикамизнинг турли шаҳарларида бундан бир неча асрлар муқаддам барпо этилган тарихий обидалар, ҳозирги социалистик воқелигимиз, республика табиатининг гўзал манзараси ва халқимизнинг миллий анъаналари билан яқиндан танишяптилар.

Ўзбекистонга келаётган чет эллик меҳмонлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам республикамизнинг турли шаҳарларида меҳмонларни қабул қилиш учун шинам меҳмонхона бинолари, пансионатлар қурилмоқда. Махсус мухбиримиз билан суҳбатда «Интурист»нинг Ўзбекистон ССР бўйича бўлими бошлиғи В. Абрамов бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

—Республикамиз территориясида чет эллик меҳмонларни қабул қилиш учун меҳмонхоналар камлиги сабабли ҳозирча биз чет эл туристик фирмаларнинг заявкаларини тўла бажара олмаяпмиз. Совет Иттифоқига чет эллардан келаётган туристларнинг деярли ўндан бири албатта бизнинг республикамизга келиш истагини билдирмоқда.

Ҳозир қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳар бири 320 ўринга мўлжалланган хашаматли отеллар қурилмоқда. Улардан бири 1969 йилда, яъни Рим тенгдоши — Самарқанд шаҳри ўзининг 2500 йиллигини нишонлайдиган йилда фойдаланишга топширилади. 1970 йилга бориб, Бухородаги меҳмонхона ишга тушади. Республикамиз пойтахтида эса 750 ўринга мўлжалланган 17 қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонасига дастлабки ғишт қўйила бошлади. Бу ажойиб бинони зилзиладан зарар кўрган тошкентликларга ёрдам бериш учун келиб ишлаётган Навоий шаҳрининг бинокорлари барпо этмоқдалар.

Республикамиз жуда қадимий тарихий ёдгорликларга бой ўлка. Деярли ҳар бир шаҳар ва қишлоғимизда ўтмиш маданиятининг ёдгорликлари сақланиб қолган, халқимизнинг бугунги ҳаёти янада фаровон ва гўзал бўлиб бормоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритаётирлар. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина турлари чет мамлакатларга сотилмоқда. Бу чет эллардан Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келаётган кишиларнинг қизиқишини янада орттирмоқда. Шу сабабли янги туристик маршрутлар очилиши ҳам кўзда тутилган. Яқин кунларда чет эллардан келган меҳмонлар Хива ва Фарғона шаҳарларидаги ҳаёт билан ҳам кенг танишиш имконига эга бўладилар.

Маълумки, Хива шаҳри бундан бир неча асрлар муқаддам барпо этилган. У уч асрга яқин вақт мобайнида Хоразм давлатининг ва сўнгра Хива хонлигининг пойтахти бўлган. Шаҳарни ҳақли равишда ноёб архитектура заповедниги деб аташ ҳам мумкин. Бу ерда Кўҳна ариқ қалъаси, хонларнинг резиденциялари бўлган Тошҳовли саройи, мадрасалар, мақбаралар, усти ёпиқ бозорлар бор. Айниқса теварак-атрофи қўрғон билан ўралган Ичанқалъа шаҳрининг қадимий қисми меҳмонлар диққатини ўзига жалб қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан 1967 йил Халқаро туризм йили деб эълон қилинган. У Совет давлатининг ташкил топганига 50 йил тўлган йилга тўғри келди. Бу эса чет мамлакатлардан Совет Иттифоқига келаётган туристларнинг янада кўпайишига сабабчи бўлди. Чет эллик меҳмонлар Советлар мамлакатининг чоризм ҳаробалари ўрнида 50 йил мобайнида қандай муҳташам қасрлар қурганини ўз кўзи билан кўриш учун меҳмон бўлиб келмоқдалар. Улар Советлар юртининг оламшумул-тарихий ғалабаларини китоблардан, газета ва журналлардан ўқиб, радио ва телевидение орқали эшитиб қаноатланмаяптилар. Совет халқининг 50 йил мобайнида халқ хўжалигини мисли кўрилмаган даражада юксалтириб юборганини чет элликлар ўз кўзлари билан кўришга ташнадирлар. Шу сабабдан ҳам қадимда қолоқ, аграр мамлакат бўлган Ўзбекистон—халқ хўжалигининг барча тармоқлари тобора тараққий этаётган, кун сайин гуллаб-яшнаётган, индустриалашган социалистик саноати ва комплекс механизациялашган қишлоқ хўжалиги мавжуд бўлган республикамизнинг бугунги куни чет эллик меҳмонларни айниқса қизиқтирмоқда.

ТЕЛЕГРАФ ЛЕНТАСИДАН

● АРГЕНТИНАДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС. Шу кунларда Аргентинанинг Тукуман шаҳрида полиция кўпгина гражданларни «коммунистик фаолиятга мансубликлларини аниқлаш» деган баҳона билан қамоққа олди.

● ЯМАНДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА. Яман ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи полковник Абдулла Баракат, Сано билан Худайдо ўртасидаги районда исёнчи унсурлар тартибсизликлар туғдиришга урингани ликларидан кейин шу районни ўша унсурлардан тозалаш операцияси ўтказилди, деди.

Шу ўтказилган операция натижасида, дейилади МЕН агентлигининг хабарида, Яман қуролли кучлари халқ лашкарлари отрядлари билан ҳамкорликда кўп миқдорда қурол-яроғ ва анжомларни қўлга туширдилар.

● ҚУМАКДОШ ИТТИФОҚЧИЛАР ҚИДИРИБ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиядаги «Ултима ора» газетасининг ёзишича қараганда, Бразилия ўз қўшинларини Вьетнамга юбориб, у ерда АҚШ томонида туриб урушда қатнашсин, деган мақсад билан Қўшма Штатлар Бразилияга турли йўллар билан тазйиқ ўтказмоқда.

Газетанинг эслатиб ўтишича, Бразилиянинг илгариги ҳукумати мамлакат жамоатчилигининг талаби билан бу тазйиқни рад этган эди.

«Ултима ора» газетаси бу сафар ҳам Бразилиянинг расмий доиралари Американинг бу ниятларига карши чиқишлари лозим, деб ҳисоблайди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР...

«ЯЛМОҒИЗ КАМПИР» ОЛТИН КОЛЛЕКЦИЯСИДА

«Индигиорзолото» комбинатидаги Нелькан конининг олтин қазувчилари афсонавий маҳмудодга ўхшаш чоғроқ яхлит олтин топдилар. У корхона директори Вячеслав Боголюбов кабинетида сақланувчи нодир олтинлар коллекциясини тўлдирди. 20 йил мобайнида тўпланган бу бой коллекцияда табиатнинг ўзи бунёд этган жуда ажойиб ёмби олтинларни кўриш мумкин. Бу олтинларнинг бири ҳайвонга ўхшаса, иккинчиси қушга, учинчиси балиққа ўхшайди. Яқинда топилган олтин коллекцияга «ялмоғиз кампир» номи билан қўшилди. У бир неча ўн грамм келади.

Д. БУБЯКИН (ТАСС мухбири).

«ДЕНГИЗ ГУЛИ»

Бу номни бironта гул справочникидан ҳам тополмайсиз. «Денгиз гули» ягона нусхада бўлиб, Латвиядаги «Банга» балиқчилик колхозига қарашли «Скумбрия» рефрижератор траулери капитани Элмар Крумиҳ қўлидадир. У топиб олган ва ҳамма ёғи ранг-баранг моллюска ва чиғаноқлар билан қопланган, нўрнишидан жуда натта атир гул тупини эслатадиган ва бир метрча келадиган ёғочга шундай ном берди.

Элмар Крумиҳ траулери Ғарбий-Шимолий Атлантикада ов қилиб юрарди. Тўр ютарилганда сельд балиқлари билан бирга ана шу «денгиз гули» ҳам чиқди. Бу ёғоч денгиз тубида бир неча аср ётган бўлса керак.

«Денгиз гули» балиқчининг хонаки музейини безади. Бу музейда денгиз қаърида яшовчи ажойиб балиқлар, денгиз юлдузлари, денгиз отчалари, маржон шохлари бор. Элмар Крумиҳ ва унинг экипаждаги ўртоқлари топган нарсаларини балиқчиларнинг Рея поселкасида қурилган янги ўрта мактаб болаларига совға қилишмоқчи.

Д. ГЕФТЕР (ТАСС мухбири).

СУПАЧАДАГИ ТЎП

Каменка дарёсининг баланд қирғоғида Уралдаги тўпчи усталар учун ёдгорлик—чўян тўп ўрнатилди. Урал металлургияси гўнғичларидан бири—Каменка заводида Россияда биринчи чўян тўп қўйилган эди. Ураллик тўпчи усталар Россия душманларига қарши даҳшатли қуролни неча ўнлаб йил мобайнида тайёрлаб келдилар. Чунончи, Каменкада ясалган 850 тўп ва уларнинг 27 минг пуддан ортиқ ўқи Полтава яқинида шведларнинг адабини берган эди.

Супачага ўрнатилган бу тўп бironта ҳам ўқ отмаган. Қадимги тўпчи усталар шон-шуҳратининг ворислари уни ҳозирги кунда қўйган.

А. ПРЯХИН (ТАСС мухбири).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.15 — **Дюймовочка** (болалар учун мультфильм), 18.40 — **Реклама ва эълонлар**, 18.50 — **Салом, бу мен** (бадиий фильмнинг 2-серияси), 20.00 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.05 — **Телеянгиликлар**, 20.25 — **Ҳам қўшиқ, ҳам симфония**, 21.15 — **Икки ҳаёт** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси. **Немис тилидан машғулот** (студентлар учун).

Ўзбек тилида: 18.30 — **Чизма геометриядан машғулот.**

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — **Олмаота кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — **Волга туни** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 19.50 — **Оддий поэзия** (илмий-оммабоп фильм), 20.10 **Жанговар 219 нчи** (телефильм), 20.50 — **Хореографик миниатюралар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА 8/XII да **Трубадур.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Парвона**, 8/XII да **Улимдан кучли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XII да **Гавҳари шамчироғ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Москваликлар аренада». Совет цирки усталари. Совет Иттифоқида янка-ю-ягона электрон-механик одам «Робот» аттракциони.**

КИНО

Парда орқасидаги ўлим — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Агар уйинг қадрли бўлса... — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Октябрь — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 3-20 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 10 да).

Жин — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қуёш ва ёмғир куни — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Паролнинг ҳожати йўқ — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 5 ва кеч 8 яримда).

ШАҲАРЛАРАРО ТОШКЕНТ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

телефонистка касбига ўқитиш учун

(Тошкент шаҳридаги станцияларга олти соатли иш билан) 8-10 синф ҳажмида маълумотли 17 дан 25 ёшгача бўлган **хотин-қизларни**

3 ойлик курсга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга стипендия тўланади.

Меҳнат ҳақи вақтбай-мукофот тариқасида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

УЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛ ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ

6-авторемонт заводи

ҳамма корхона ва автомобиль хўжалигидан **катта ремонт учун ЗИЛ-150, ЗИЛ-585, ЗИЛ-164 автомобилларини шунингдек орқа ва олдинги мостларини** чекланмаган ҳолда

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бажариш муддати — 20 кун.

Мурожаат учун адрес: Андижон область, Ленинск шаҳар, Крупская кўчаси, 57-уй.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9, 14, 15 декабрларда Узбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти

Комилжон ОТАНИЁЗОВ

иштирокида

(туғилган кунининг 50 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 30 йиллигига бағишланган)

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда **Олмахон Ҳайитова, Шариф Султонов, Гулчеҳра Исмоилова, Ражаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Концерт зали кассаси кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб 11 дан очиқ.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги СЕЛЕКЦИЯ ВА ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ИНСТИТУТИ қуйидаги мутахассислар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

радиобиология, биологик химия, селекция ва уруғчилик.

Кириш имтиҳонлари 1968 йил 20 январдан бошланади.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилади:

Тошкент область, Оржоникидзе, 13.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРАГА ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда **«молия, пул алоқаси ва кредит»** мутахассислиги бўйича.

Аризалар 15 декабргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 20 декабрдан бошланади.

Қабул қилиш шарти ҳамма олий ўқув юртларидаги каби умумий.

Аризага керакли ҳужжатларни қўшиб Тошкент шаҳар, 45, Оборонная кўчаси, 1-уйга юборилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 63-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ («ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» БАЗАСИДА)

1967-68 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

арматурачилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, электр пайвандчи-монтажчи, сантехника бўйича слесарлар, саноат ускуналари бўйича электр монтёрлари.

Ўқиш муддати — ярим йил. 16 дан 40 ёшгача бўлган 10 синф ҳажмида маълумотли кишилар қабул қилинади.

Ўқувчилар ётоқхона, қийин ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 26-квартал (9, 15-трамвайлар, 26, 27, 32, 54-автобусларнинг «12 квартал» бекати).

ТОШКЕНТ ПУСКО-НАЛАДКА БОШҚАРМАСИГА

тунукасозлар, пахта тозалаш ускуналарини созловчилар, электр монтёрлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 85-уй, кадрлар бўлими (2, 3, 4, 13, 14-трамвайларнинг «Куйбишев» бекати).

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси инженерлари институти ректорати ва жамоат ташкилотлари институт доценти, техника фанлари кандидати А. Ҳ. Ҳайдаровга отаси Шоҳайдар ШОНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323, Масъул секретарь — 834445, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283, Партия ҳаёти — 833469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216, Коммунистик тарбия — 831455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780, Совет қурилиши — 833258, Қишлоқ хўжалиги — 837604, Адабиёт ва санъат — 832036, 837221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347, Оммавий ишлар ва хатлар — 838676, 833563, Иллюстрация — 834524, Стенографистка—837343, Корректура—837182, Эълонлар—838142, Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши (нефть разведкаси коммутатори орқали қўшимча) 84, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ А — 284. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01456